

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари  
(2016 йил 14ноябрь -19 ноябрғача )**

**№10**

**Тошкент – 2016**

**Ҳиндистон Президентига мактуб**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Уттар-Прадеш штати Канпур шаҳрида юз берган темир йўл халокати оқибатида кўплаб инсонларнинг нобуд бўлгани ва жароҳат олгани муносабати билан Ҳиндистон Республикаси Президенти Пранаб Кумар Мукержига мактуб йўллади.**

Давлатимиз раҳбари чуқур таъзия изҳор этиб, халок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамда жабрланганларга самимий ҳамдардлик туйғуларини етказиб қўйишни сўради.

**Сайлов 2016: нодавлат телерадиостудияларнинг сайлов мавзусига бағишланган контент халқаро талабларга жавоб берадими?**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакат нодавлат телерадиостудиялари томонидан қандай ёритилмоқда? Мамлакатдаги мустақил студиялар халқаро стандартларга риоя этиптиларми?**

**Президентликка номзодлар учун тенг вақт бериляптими ва тарғибот фаолияти давомида партиялар ва номзодларнинг ҳуқуқлари бузилмаяптими?**

Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциациясининг раиси Фирдавс Абдухолиқов «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритишда мамлакат нодавлат телерадиостудиялари томонидан халқаро стандартларнинг қўлланилиши: миллий тажриба ва дунё амалиёти» мавзусидаги халқаро давра суҳбатини ана шу саволлар билан очди.

Медиа соҳанинг миллий ва Болгария, Германия, Латвия, Литва, Дания, Франция ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган халқаро экспертлар, шунингдек, ЎзЭОАВМанинг тадбир бўйича ҳамкорлари – Марказий Сайлов комиссияси, К.Аденауэр номидаги Фонднинг минтақавий ваколатхонаси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари анжуманда мана шу ва бошқа саволларга жавоб изладилар.

Марказий Сайлов комиссияси ҳамда Ассоциация томонидан Президент сайловини ёритиш тўғрисидаги икки томонлама битим имзолангандан кейин нодавлат телерадиостудиялар журналистлари сўнгги йилларда давлат ТВга жиддий рақобат туғдирган ва рекорд даражага етган медиа-контент миқдори тўғрисидагина эмас, балки сайлов мавзусидаги контентнинг сифати ва унинг халқаро стандартларга мос бўлиши ҳақида ҳам жиддий ўйлашди. Бу воқеани Латвиянинг «Телеграф» журнали Бош муҳаррири **Андрей Шведов** шундай шарҳлайди:

*"Мен нодавлат телевидение ва Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси ўртасида имзоланган битимни жуда муҳим, деб ҳисоблайман, негаки, хусусий телеканаллар самаралироқ, улар ўз томошабинларига тезроқ етиб боради, улар кўпроқ креатив, чунки хусусий бизнес, рақобат, тезроқ ўйлаш ва ҳаракат қилишга тўғри келади. Нодавлат каналларни*

*сайловни ёритишига жалб этилиши Ўзбекистон сайловчиларига сайлов жараёни, давлат раҳбари лавозимида даъвогарлик қилаётган номзодлар ҳақида кўпроқ билиш имконини беради. Бу ерда мен Ригадан, Латвия, мен сайловларни ёритган бизнинг масс-медиадан ҳеч бир фарқи кўрмаймман. Менимча, бу ерда ҳамма жиҳатларга тўла риоя қилинмоқда, қолгани эса Президентликка номзодларнинг ўзларига боғлиқ. Ва, агар мағлубиятга учраган номзод ОАВ устидан шикоят қиладиган бўлса, бу ОАВнинг айби эмас. Ҳозирги ҳолатда ОАВ вазиятни, менинг фикримча, мутлақо ҳаққоний акс эттирмоқда, қолганини сайловлар кўрсатади”.* Сайлов мавзусидаги контентларни бойитиш мақсадида сўнгги бир неча ой давомида таниқли халқаро экспертлар иштирокида журналистларнинг сайлов мавзуси бўйича касбий маҳоратини оширишга қаратилган 8 та семинар-тренинг ўтказилди.

Бундай кучайтирилган ҳаракатлар тўлқинига етарлича асос бор, зеро, кун тартибда ўзининг қадрини биладиган ҳар бир медиачи учун шарафли масала – давлат раҳбари сайлови турибди. Ва бу масъулиятни нодавлат секторининг журналистлари яхши ҳис қиладилар: ҳозирга қадар 450га яқин медиа-маҳсулот тайёрланиб, республикадаги нодавлат телерадиостудиялар эфирига 2 минг мартадан ортиқ узатилди. Сайловнинг моҳияти ва аҳамиятини, асосий қоидалар ва овоз бериш тартиби, сайлов участкалари фаолияти ва бошқа масалаларни тушунтириш мақсадида 40 дан ортиқ ижтимоий роликлар тайёрланди ва улар 4,5 минг мартадан ортиқ эфирга берилди.

Нодавлат сектор бу масалада анъанага кўра, халқаро тажрибага эътибор қаратди ва зарар кўрмади. Ассоциация ёш журналистларни ўқитиш учун чет элдан медиа-соҳанинг энг яхши халқаро экспертларини таклиф қилди. Экспертлар билан мулоқотда бўлиб, биз улар нодавлат секторнинг 2016 йилги Президент сайлови кампаниясини ёритиш масалаларида халқаро меъёрларга мувофиқлигини қандай баҳолаётганларини билдик.

ЮНЕСКОнинг катта маслаҳатчи ва консультанти, ЮНЕСКОнинг сўз эркинлиги бўйича бўлими собиқ директори **Могенс Шмидт**

(Дания) кўйидагиларни таъкидлади: *«Ўзбекистонда сайловларни ёритиш жараёнида ва ОАВ фаолиятида ҳам кўплаб халқаро экспертларнинг қатнашаётгани фавқулодда муҳим ҳисобланади. Масалан, мен ўзим Данияданман. Австралия, Франция, Германия, Латвия, Литвадан ҳам экспертлар бор. Яъни, шу йўсинда, турлича тажрибага эга бўлган барча экспертларни бир мамлакатга тўплаш орқали Ўзбекистон журналистлари тажрибасини, касбий тажрибасини бойитиш имконияти пайдо бўлади».*

Илғор тажрибани ўрганиш ва ундан ўз контентини яратишда фойдаланиш медиа-соҳа учун биринчи рақамли вазифага айланди. Жануби-шарқий Европада ОАВни ривожлантириш бўйича эксперт, SEECOM Президенти, Коммуникациялар бўйича Европа директорлар кенгаши ассоциацияси аъзоси (EACD) Огнниан Златев (Болгария) бу ташаббусни ижобий баҳолайди:

*“ Ўзбекистон ОАВ халқаро тажрибаларни тадбиқ этаётгани жуда яхши, яна бир муҳим жиҳат - экспертларни таклиф қилишмоқда. Бу эса мамлакатингиз ОАВ илгор тажрибаларга риоя қилаётганидан далолатдир ва бу уларнинг фаолиятларида ёрдам беради. Фикримча, бу ерда умуман барча иш халқаро стандартларга мувофиқ амалга оширилмоқда, Экспертлар таъкидлаганидек, ОАВнинг сайловни ёритиш жараёнидаги иши барча номзодлар тенг имкониятларга эга бўлишлари учун балансланган ва виждонан, халол бўлади. ОАВ ва жамиятга бир хилда кириш ҳуқуқи берилади, шунинг учун ўйлайманки, бу маънода ҳаммаси жойида, деб таъкидлади болгариялик эксперт”.*

Яна бир янгилик нодавлат тележурналистлар ғарбда урф бўлган ток-шоу тайёрлашга қарор қилишди ва бу борада ҳам муваффақиятга эришди. МСК ходимлари, Ўзбекистон парламенти депутатлари, сиёсий партиялар, Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари, шунингдек талаба ёшлар иштирокидаги “Менинг овозим” тобора кўпроқ мухлисларни ўзига жалб этмоқда. Бугун кўрсатув нодавлат эфирда энг юқори рейтингга эга бўлган дастурлардан бири ҳисобланади. Ўйиборлиси, унинг асосий “ишқибозлари”лари, шунингдек, бошловчилари ҳам, ёш авлод вакиллари дир, зеро, ток шоу уларнинг кўпчилиги учун ўзини қизиқтирган саволларни очик бериш мумкин бўлган қулай майдондир. *“Бугун биз Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситалари аҳоли ўртасида жамоатчилик фикрини шакллантириш учун янада керакли сиёсий куч бўлиб бораётганини кузатяпмиз. Менга, даниялик фуқарога, масалан, Ўзбекистонга келиш ва сайловга тайёргарлик жараёнини кузатиш жуда ёқимли бўлди. Айниқса, ахлоқсиз лексика, таҳдидлар, умуман дуч келган нарсалар қўлланган Америкадаги сайловдан кейин. У ерда номзодлар ток-шоу вақтида бир-бирларини ўлдириб қўйишларига оз қолди. Республикангиз бутунлай бошқа йўлдан боргани ва бу йўлда давом этаётганидан ҳурсандман”,* - деб таъкидлади Страдин номидаги Рига университети Европа тадқиқотлари факультети профессори, Baltic-Course.com интернет-журнали халқаро кузатувчиси **Юджин Этерис (Латвия)**.

Айнан ушбу фикрни Латвиянинг “**BNS**” таҳририяти халқаро янгиликлар муҳаррири **Алвис Эглитис** давом эттирди: *«Мен, хусусий телестудиялардан бири сайловга бағишланган ток-шоуни тасвирга олаётгани шохиди бўлдим, унда партиялар вакиллари нима учун айни ўзларининг номзодлари мамлакат Президенти бўлишини исташларини исботлаб беришди. Шу билан бирга ОАВда партияларнинг позициялари ва президентликка номзодларнинг сайловолди дастурлари етарлича кенг ёритилаётганини кўрдим. Булар менга ҳозирги кунда Ўзбекистонда сайловолди курашини ёритишда замонавий журналистик усуллар жуда фаол қўлланилаётгани ҳақида ҳулоса чиқариш имконини беради».*

Давра суҳбатида иштирок этган халқаро экспертлар ўз сўзларида кўп бор нодавлат телерадиостудиялар ёшлари ҳақида

фикр билдирдилар. Ёшларга ишонч – нодавлат секторнинг катта афзаллигидир, Бунга сабаб нодавлат ТАВнинг ижодий ва техник ходимларининг асосий қисмини 25 ёшга тўлиб-тўлмаган ёшлар ташкил этишидагина эмас, балки Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи 30 ёшгача бўлганлардан иборат эканида ҳамдир. Шубҳасиз, бундай вазиятда «ёшлар томонидан ёшлар учун» формати энг самаралидир., Германия маҳаллий телекомпаниялар ассоциацияси Президенти, «Sachsen

Fernsehen GmbH & Co. Fernseh- Betriebs KG» телекомпанияси ишлар бошқарувчиси Рене Фалькнер (Германия) ёшлар салоҳияти ҳақида шундай фикр билдирди: *«Мамлакатингиз журналистлари яхши ишлайдилар. Улар тўртинчи ҳокимият мақомига эга эканликларини ҳис қиляпман, улар ўз ишларини яхши кўрадилар, муайян мақсадга эгалар. Мен шунингдек, ТВ ва радиода бўлганидек, газеталардаги журналистлар ишларининг қизиқарли натижаларини кўряпман. Ўзбекистон медиаси янги билимлар учун очиқлиги қувонтиради. Албатта, ўз касбига меҳр ҳам журналистика ва умуман медиа саноатидаги аҳамиятга молик ижобий сифатлардан биридир».*

Халқаро экспертлар шу билан бирга фуқаролар, айниқса ёшларни ахборот билан таъминлаш борасида қатор фикрлар билдиришди, тавсиялар беришди. ЕХҲТнинг Венадаги ОАВ эркинлиги масалалари бўйича вакили эксперти, Литва Журналистлари уюшмаси раиси, Литва радио ва телевидение комиссияси аъзоси **Дайнюс Радзьявичиус** (Литва) бу борада қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: *«Бугун ОАВнинг ривожини биринчи навбатда янги технологияларнинг ривожини демакдир. Мен учун энг қизиқарлиси ёшлар сайловга қандай муносабатда эканликларини билиш бўлди. Европа тажрибаси 19-20 ёшлиларнинг ҳаммаси ҳам овоз беришда қатнашмаслигини кўрсатмоқда. Аксарият холларда уларнинг атиги 15-20 фоизи сайловга келади. Очиқ айтганда, сиёсат ва мамлакат ижтимоий ҳаётига қизиқиши улар учун биринчи ўринда турмайди. Шунинг учун ёш авлодни сайловларга жалб этиши бугунги кунда журналистлар учун энг мураккаб вазифа ҳисобланади».*

Латвиялик экспертнинг фикрича, ахборотни ёшлар ўзлари ўрганган нарсаларда, масалан, смартфонларда олишларини истасак, унда биз масаланинг техник томонлари ҳақида ҳам ўйлашимиз керак. Ёшларни ҳам, катта ёшдагиларни ҳам мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланишга, жадваллар, номзодлар, уларнинг сиёсий дастурлари ҳақидаги далилларга қизиқтириш – ҳатто энг замонавий журналистлар учун ҳам осон вазифа бўлмайди. Шу билан бирга уларнинг интернет-платформаларга кира олишларини таъминлаш лозим, шундай қилиш керакки, ёшлар сарфланаётган мегабайтларни ҳисоблаб ўтирмасинлар. Эҳтимол айтиш мумкин ЎЗЭОАВМА тажрибаси ва МСК билан тузилган битим истиқболда, аввалдан, одамларга тез, қулай, турли форматларда ахборот

олиш имкониятини берадиган махсус ўқув дастурларини,

маълум платформаларни тайёрлаш учун шароит бўлганда ёрдам берар». Нодавлат сектор ўтган йилларда сайлов кампанияларини ёритиш борасида тўпланган тажрибаларнигина эмас, балки янги усул ва технологияларни ҳам ишга солган ҳолда кун сайин такомиллашиб бормоқда. Мустақил журналист, Шарқий Европа, Кавказ, Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт **Биргит Ветцелнинг** фикрлари эътиборни тортади.

*«Биз бу ерда томоша қилган контент нодавлат ОАВнинг сайловни ёритишга ҳар жиҳатдан жуда яхши тайёргарлик кўрганни ва ёритишга тайёр эканини намоёни этади. Бу эса нодавлат ОАВ секторида мамлакат Президенти сайловини ёритиш бўйича улкан ишлар амалга оширилганидан сўз очади. Сиз ҳақиқатан ҳам сайловчиларни*

*бу мамлакат фуқароси сифатида қандай ҳуқуқларга эга эканлиги ҳақидаги ахборот билан таъминланысиз. Шу билан бирга сайловолди харақати босма нашрларда, ток-шоулар воситасида кенг кўламли ёритилмоқда. Бу бўлажак сайловни ёритишдаги умумбашарий стандартлар томонга қўйилган катта қадамдир. Ҳар бир фуқарода овоз бериш ҳуқуқи борлигини кўрсатадиган катта иш қилинган».*

Экспертларнинг фикрича, Президент сайлови арафасида ўзбек медиачилари фуқаролик позицияларини фаол ифода этмасдан, Ўзбекистонда сайловолди жараёнини кенг қамровли ёритиш учун яратилган имкониятлар ва шарт-шароитларни намоёни қилмасдан ҳақиқий демократия бўлиши мумкин эмаслигини жуда яхши тушунадилар. Бунга эса фақат мунтазам равишда ўз ишларини такомиллаштириш ва тажриба орттириш дунёдан ўрганиш орқали эришиш мумкин. Бу хулосани Париждаги Agence France-Presse (AFP) ахборот агентлиги бош муҳаррири, Ижтимоий тармоқлар бўлими бошлиғи ўринбосари Амандин Амбреньи (**Франция**) ҳам қўллаб-қувватлайди:

*“Мен ОАВ маконида қандай ўзгаришлар юз бераётгани билан танишдим. ЭОАВМА билан ҳамкорлик қилаётган халқаро экспертлар даражасидан, ўзбек томони халқаро экспертлар билан очиқ ҳамкорлик қилаётганидан жуда таъсирландим. Журналист сифатида айнан шу ҳамкорликнинг очиқлигини қайд этишни истардим”.*

Бугун долзарб бўлган сайловнинг моҳияти ва аҳамияти, овоз беришнинг асосий қоидалари ва тартиби, сайлов участкаларининг иши, фуқаролар ҳуқуқларига бағишланган медиа махсулотлар, теле ва радиороликлар ортида неча ўнлаб ўз ишининг усталари, касбини жондидан севганларнинг меҳнати бор. Майли, улар кўп йиллик иш тажрибасига эга эмасдирлар, бироқ, касбда асосийси - янги билимларни эгаллашга интилиш, вазифани тушуниш ва ўз ишига масъулият билан муносабатда бўлишдир. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат шундай фикр билдиради: «ЎзЭОАВМанинг ижодий жамоаси бу йўналишида жуда сермахсул иш қилди. Жамоа аъзолари ушбу

*сиёсий муҳим жараёнга катта масъулият билан ёндашдилар. Мен кампания доирасида ўтган дебатлар шоҳиди бўлдим. ЎзЭОАВМА сайловни қабул қилинган дунё стандартларига мувофиқ ёритмоқда».*

## **Сарвар Отамуратовнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви**

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 23 ноябрь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига гуруҳи раҳбари Б.Мамажонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили С.Назарқосимов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Жиззах вилояти ўзининг гўзал ва бетакрор табиати, бой табиий ресурслари, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигидаги улкан салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди. Вилоятда 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсди. Кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,9 марта кўпайиб, ялпи ҳудудий маҳсулотда унинг улуши 17 фоиздан 21 фоизга етди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Охириги беш йилда 4 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 8 минг 500 тага етди. Бугунги кунда ушбу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 80 фоизни, экспортдаги хиссаси 87 фоизни ташкил этмоқда.

Президентликка номзод ўз сайловолди дастурида “Баркамол авлод – миллат таянчи” шиори остида ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишларни янада кучайтириш вазифаси белгиланганини таъкидлади. Жиззах давлат педагогика, политехника институтлари ҳамда Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти етук мутахассис кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Дастурда замонавий билим ва малакага эга муҳандис-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежментлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан кучайтириш ва мазкур соҳаларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, тарихий ва маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва ободонлаштиришга қаратилган вазифалар муҳим ўрин эгаллайди.

Вилоятда 372 маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 42 таси тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 таси археологик, 63 таси монументал ёдгорликлардир. Бу бебаҳо меросни кўз қорачиғидек асраш ва келгуси авлодларга етказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Жиззах давлат педагогика институти хорижий тиллар факультети декани А.Маматов, Бахмал қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари М.Норқўзиева, “Келажак бунёдкори” газетаси мухбири У.Пўлатова номзоднинг дастури юзасидан фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

## **Наримон Умаровнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви**

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 22 ноябрь куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Видеомулоқот шаклида ташкил этилган учрашувни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари Р.Латипов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили И.Абдуллаев йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод ўз маърузасида Хоразмий, Беруний, Нажмиддин Кубро каби буюк алломалар, Жалолиддин Мангуберди сингари ватанпарвар саркардаларга бешик бўлган Хоразм вилоятида ҳам мустақиллик йилларида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани самарасида ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги изчил юксалиб бораётганини таъкидлади. Жумладан, Питнак шаҳрида ишга туширилган “Хоразм авто” заводида ишлаб чиқарилаётган “Orlando”, “Damas”, “Labo” каби замонавий автомобиллар хонадонларимиз дастурига айланиб, халқимизнинг узоғини яқин қилиш ва турмуш сифати ошишига хизмат қилмоқда.

Дастурда “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало, инсон учун” тамойилига амал қилган ҳолда, аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичларини янада яхшилашнинг муҳим шarti бўлган кўп йиллик мустақил тараққиётимиз даврида ўзини тўла оқлаган давлат ижтимоий дастурлари ишлаб чиқиш ва ҳаётга самарали татбиқ этиш тажрибасини давом эттириш, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида аҳоли саломатлигини



муҳофаза қилишга доир таклифлар илгари сурилган.

Аҳоли кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш баробарида мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини янада кучайтириш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши ҳамда сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, тиббиёт муолажалари, хусусан, дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўллаб келинаётган илғор тиббий хизмат турларини мамлакатимизда ҳам жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати М.Қурбонбоев, Урганч давлат университети доценти Ю.Раҳмонова, Хоразм вилояти онкология диспансери бош шифокори Т.Полвонов, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Р.Рўзметов ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида фикр билдириб, сайловга тайёргарлик жараёни миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

## **Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви**

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон халқ шоири М.Тоир очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурнинг пировард мақсади – мамлакатимизда ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, одамларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, ҳаёт сифатини янада юксалтиришдир.

Бунинг учун давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг самарадорлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, илм-фанни ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, тиббий ва маиший хизматлар сифатини ошириш бўйича қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар белгиланган.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов белгилаб берган принципларга амал қилган ҳолда тинчликпарвар сиёсат юритиш, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни

мустаҳкамлаш, барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналиш бўлиб қолиши қайд этилган.

Тошкент вилояти улкан иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, бой табиий ва инсоний ресурсларга эга вилоят сифатида Ўзбекистон ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 10 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг 9,7 фоизи айти шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, “Женерал моторс” компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган автомобиль двигателлари заводи, Янги Ангрен ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётининг локомотивлари ҳисобланади.

Учрашувда Тошкент вилоятининг ушбу улкан салоҳиятидан тўла фойдаланиш, уни янада ривожлантириш ҳақида ҳам сўз юритилди.

Видеоконференция шаклида ўтказилган учрашувда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси У.Мирзакулов, "Максам Чирчиқ" акциядорлик жамияти қошидаги маданият саройи директорининг ўринбосари Л.Филиппова, Ангрен шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби директори Н.Ғафурова, Ўзбекистон корейс миллий маданият марказлари ассоциацияси раҳбари В.Пак, Олимпия ўйинлари чемпиони Ф.Ғойибназаров, Бўстонлик туманидаги "Бурчмулла" ўрмон хўжалиги директори А.Абдужамиллов, Паркент туманидаги "Норчонтол" фермер хўжалиги раҳбари А.Абдуюнусов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгаши раиси Р.Раҳмонов ва бошқалар мамлакатимиз ривожига ҳар бир соҳада намоён бўлаётгани, одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди.

Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашишга чақирди.

### **Сингапурлик олимлар тери хужайраларидан қон хужайраларини яратишди**

MedicalXpress нашри маълум қилишича, сингапурлик тадқиқотчилар гуруҳи махсус технология ёрдамида сичқон териси хужайраларини шундай "трансформация" қилишганки, у қон хужайраларига айланган. Бундай тажрибалар аввал ҳам ўтказилган, бироқ бу синовлар вақтида бундай хужайраларнинг фаолият кўрсатиши бир неча кундан ошмаган. Тадқиқот муаллифлари хужайраларни "трансформация қилиш" технологиясини қуйидагича тушунтирганлар: маълумки, тери функциялари ва тузилиши бўйича турлича бўлган катта сондаги хужайралардан иборат. Бу хужайралар ташқи муҳит шароитларига мослашувчанликнинг юқори даражасига эга. Олимлар тери хужайраларини қон хужайралари таъсирланадиган омиллар таъсирига

учратишган. Натижада эпидермис ўсиш қатламининг ҳужайралари ўзгариб, қон ҳужайралари функцияларини бажаришни бошлаган. Айни вақтда сичқонларда синов ўтказиш ишлари якунланган ва олимлар энди одамларда тажрибалар ўтказишмоқчи. Бу йўл билан олинган қон ҳужайралари бир марта танага киритилгандан кейин реакциялар келтириб чиқармаган ва 2 ҳафтадан кўпроқ фаолият юритган. Тадқиқот тикланувчи тиббиёт масалалари билан шуғулланувчи доктор Ченг Хуэй бошчилигида ўтказилган. Унинг айтишича, агар тажрибалар муваффақиятли ўтса, бу қон қуйишга эҳтиёж сезувчи беморларнинг ҳаётини енгиллаштириши мумкин. Мисол учун, иммун бузилишлардан азият чекувчи одамларга, жарроҳлик операциялари вақтида, хафақонликнинг оғир шаклларида ва саратон касаллигининг авж олиб кетган жараёнидан азият чекувчилар учун катта миқдорда донорлик қони зарур бўлади.

Бу тажриба ҳужайраларни "трансформация қилиш" бўйича биринчиси эмас. Аввалроқ АҚШлик олимлар шу йўл билан сичқон тухум ҳужайраларини олишган. Бу ҳужайралар уруғлантирилганда улардан соғлом насл олинган.

### **Трамп АҚШнинг БМТдаги доимий вакили лавозимига номзод номини маълум қилди**

АҚШнинг янги президенти Дональд Трамп Жанубий Каролина губернатори Никки Хэйлига АҚШнинг БМТдаги доимий вакили лавозимини таклиф қилмоқчилигини маълум қилган.

Хэйли номзодини АҚШ сенати тасдиқлаши керак.

Хэйли (туғилгандаги исми-шарифи Нимрата Рандхава) ҳиндистонлик муҳожирлар оиласида туғилган. Тадбиркорлик билан шуғулланган.

Жанубий Каролина хайрия ва жамоатчилик ташкилотлари ишида фаол иштирок этган. У ҳозир 44 ёшда бўлиб, АҚШнинг энг ёш губернатори ҳисобланади. У бу лавозимни 2011 йилдан бери эгаллаб келади ва штатга губернатор бўлган биринчи аёл ҳисобланади.

Хэйли 2016 йилги президентлик сайловларида аввал Флорида сенатори Марко Рубио, кейин эса Техас сенатори Тед Круз номзодини қўллаб-қувватлаганди.